

Савол: Савдо-сотик (байъ)да ҳам маълум одоблар борлигини эшитдим. Булар кайсилар?

Жавоб: Тожирлик – касбларнинг энг яхшиси ҳисобланади. Савдо-сотикнинг ҳам алоҳида одоблари бор. Улар куйидагилар:

1. Сидки муомала. Яъни, молни нави, жинси, масдари ва харажатлари хакида ёлгон аралаштирмай, хакикий сифати билан тавсифлаш. Имом Термизий Руфоъадан (р.а.) ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар (с.а.в.) бундай дейдилар: «Албатта тожирларнинг Аллох саклаган, гўзал муомалали ва ростгўйларидан бошқалари фожирлардан бўлиб қайта тириладилар».
 2. Муомалада багрикенг бўлиш. Яъни, сотувчи нархдан тушиб, олувчи ошиқрок тўлаб ҳиммат қилиш. Имом Бухорий Жобирдан (р.а.) ривоят қилган ҳадисда Расулulloх (с.а.в.) шундай марҳамат қиладилар: «Сотганда, сотиб олганда ва қарзини талаб қилганда хушмуомала бўлган кишига Аллохнинг раҳмати бўлсин».
 3. Гарчи сўзи рост бўлса-да, қасам ичишдан тийилиш. Байъда Аллох номи билан қасам ичишдан мутлақо тийилган маъқул. Аллох таоло: «Яхшилик қилиш, тақводор бўлиш ва одамлар орасини ислох қилиш (қабил амаллардан тўсадиган) қасамларингиз учун Аллохни баҳона қилмангиз» (Бақара сураси, 224-оят), дейди. Имом Бухорий ва Муслим Абу Хурайрадан (р.а.) ривоят қилишган ҳадисда шундай дейилади: «Қасам молни бозоргир қилса-да, барақасини қетказди».
 4. Хайр-эхсонни кўпайтириш. Савдогар савдоси асносида воқеъ бўлиб турадиган қамчиликларига қарфурат бўлиб туриши учун садақа, хайр-эхсонни кўпроқ қилиб туриши мустаҳабдир.
 5. Қарзни ёзиб қўйиш ва унга шохид қилиш. Қелишув ва қечиктирилган қарзнинг миқдорини ёзиб қўйиш мустаҳабдир.
- Бу одоблар мусулмон киши билиши лозим бўлган нарсалардандир. Зеро, ҳазрат Умар (р.а.): «Бизнинг бозорларимизда динда факих бўлган (хусусан, тижоратнинг шаръий аҳкомларини билган)ларгина савдо қилсин», деганлар.

"Динда саволим бор" китобидан